



---

# O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

# XABARLARI

---

IJTIMOIY-GUMANITAR FANLAR  
YO'NALISHI

ВЕСТНИК НУУЗ

ACTA NUUZ

1/2  
2021

## МУНДАРИЖА

### Тарих

Аббасов Б. Ўзбекистон ССР иктисодиётининг урушдан кейинги йиллардаги ўзига хос жиҳатлари ва қўчириш сиёсатининг моҳияти .....	4
Жайнаров О. Туркистон Республикасида адвокатура органлари фаолиятидаги ўзгаришлар (1917-1924 йиллар) .....	7
Жунаев З. Бухоро Халқ Совет Республикасининг Совет Россияси билан иктисодий алоқалари .....	11
Мажидов А. Россия империяси кўчирувчилик сиёсатининг Туркистон халқларининг ижтимоий-иктисодий ахволига таъсири (Сирдарё вилояти мисолида) .....	15
Мусаев Н. Россия империясига карамлик даврида Ўрта ва Кўйи Зарабшон воҳаси аҳолисининг ижтимоий- иктисодий хаёти .....	19
Назаров Х. Шимолий Бактрияниг Кушонлар даври санъати хусусиятлари .....	24
Нишонов А. Севинчхожаҳон хукмронлиги даврида Фарғона водийси .....	29
Рахманова О. Суфийские обшины Ферганской долины в начале XVIII века .....	33
Сайдбобоева Г. Туркистон халқ университетида техника факультетининг ташкил этилиши ва энергетик кадрлар тайёрлаш фаолияти (1918-1924 йиллар) .....	36
Фарманова Г. Вопросы изучения историко-культурных связей Древней Ферганы с соседними и дальними областями .....	41
Хусанова Ш. Туризмни ривожлантириша тарихий-маданий меросларнинг ўрни (Мингтепа археология ёдгорлиги ва зиёратгоҳлар мисолида) .....	45
Ҳамраев С. XIX асрнинг 30-йилларида Россия-Бухоро дипломатик муносабатларини ўрганишда П.И. Демезон ва Я.В. Виткевич кайдларининг аҳамияти .....	49
Ҳасанова Н. Аёллар тадбиркорлик фаолиятига – инновацион ёндашув .....	54
Эгамбердиева Г. Перспективные направления туризма после пандемии коронавируса в Узбекистане .....	59
<b>Фалсафа. Педагогика. Психология. Методика. Социология</b>	
Абдулжабборова У., Марасулов А. Подход к разработке технологии методического обеспечения обучения биофизики студентов медВУЗА .....	63
Абдуллаева Г., Ражаббоева Р. Умумий ўрта таълим жараёнини ташкил этишининг конун хужжатлари .....	66
Абдусаматов Х. Қонуний никоҳдан ўтмасдан яптаётган оиласларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари .....	70
Алмаматова З., Эсанкулова Д., Янгибоева З. Талаба-ёшларida экологик ҳамда валеологик маданиятни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар .....	74
Артиков А. Анализ точности игровых приемов футболистов в зависимости от физической подготовленности .....	78
Атамуратов М. Тараккиётнинг хозирги босқичида бошқарув кадрлар компетентлигининг янгича курсаткичлари .....	81
Ашупрова Н. Жисмоний маданият таълим йўналиши талабаларининг коммуникатив компетенциясини интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш .....	86
Бегбутаева Ф. Инклузивное образование: проблемы и решения .....	90
Гулмуродов А. Кадрларнинг касбий такомили: функционал таҳлил (темир йўл соҳасида тайёрланаётган кадрлар мисолида) .....	94
Djumapulov A. Zamonaliv ta'lim tizimida kredit modulli o'qitishning ahamiyati .....	98
Иноятова С. Глобал инқироз шаротида оиласларнинг намоён бўлиш хусусиятлари .....	102
Исматова М. Буддийликда мантрий фикрлаш ва нуткий маҳорат .....	106
Кодирова Д. Эффективность образовательной технологии .....	110
Камолова С. Этническая культура и этническая идентичность .....	114
Кариева Н. Взаимосвязь представлений о доверии в организации у сотрудников и руководителей с их ценностными ориентациями .....	117
Каримов Ф. ИБУСМларининг бошланғич тайёрлов гуруҳида шуғилланувчи узунликка сакровчиларнинг машғулот жараёнида жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш самарадорлиги .....	122
Карлыбаева Г. Бўлажак физика ўқитувчиларини тайёрлашда инновацион технологияларни жорий этиш .....	127
Курбанова Г. Иктидорли ёшларда психологик-педагогик ва илмий тадқиқчилик компетенциясини шакллантиришнинг назарий жиҳатлари .....	131
Қаршиева Д. Замонавий мактаб-ўқитувчини тайёрлашда малакавий(педагогик) амалиётнинг ўрни .....	135
Марасулов А. Разработка информационно-коммуникационной системы интегрированного обучения дисциплин математических, естественнонаучных, общепрофессиональных и клинических кафедр для подготовки специалистов-медиков .....	138
Матжанов Н. Применение компьютеров на занятиях по преподаванию элементов квантовой физики .....	141
Межевникова О. Сознание в контексте компьютерных виртуальных технологий: киберпространство и интернет .....	146
Mo'minova D. O'smirlarda kuzatiladigan delinkvent xulq omillari .....	150
Набиева Н. Мағкура – ижтимоий фанларда тадқиқот объекти сифатида .....	155
Наврӯзова Г., Ҳошимхонов М. Бухоро Машраб тавсифида .....	159
Нурбоева Х. Аёлларнинг сиёсий-хуқуқий маданиятини юксалтириш масалалари .....	165



**Обиджон ЖАЙНАРОВ,**  
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат  
педагогика институту ўқитувчisi  
E-mail: jaynarov.o@mail.ru

ЎзМУ профессори, т.ф.н. Сайдбобоев З.А. тақризи асосида

### CHANGES IN THE ACTIVITIES OF ADVOCACY IN THE TURKESTAN REPUBLIC (1917-1924 YEARS)

#### Abstract

The article describes the changes that took place in the activities of the legal profession in Turkestan after the establishment of Soviet power, based on a wide range of primary sources and historical literature. In particular, the participation of lawyers in court proceedings, the lives of lawyers and advocates and their activities were analyzed.

**Key words:** Turkestan ASSR, People's Commissariat of Justice, courts, public defenders, human rights defenders, bar associations, legal aid.

### ИЗМЕНЕНИЯ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ АДВОКАТУРЫ В ТУРКЕСТАНСКОЙ РЕСПУБЛИКЕ (1917-1924 ГГ.)

#### Аннотация

В статье на основе широкого круга первоисточников и исторической литературы описаны изменения, произошедшие в деятельности адвокатуры Туркестана после установления Советской власти. В частности, проанализировано участие в судебных процессах адвокатов, правозащитников, коллегии адвокатов и их деятельность.

**Ключевые слова:** Туркестанская АССР, Народный комиссариат юстиции, суды, общественные защитники, правозащитники, коллегии защитников, юридическая помощь.

### ТУРКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АДВОКАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (1917-1924 ЙИЛЛАР)

#### Аннотация

Маколада кенг турдаги бирламчи манбалар ва тарихий адабиётлардаги маълумотлар асосида Туркистанда совет хокимияти ўрнатилгандан сўнг адвокатура органлари фаолиятида рўй берган ўзгаришлар ёритиб берилган. Хусусан, адвокатларнинг суд жараёнларидаги иштироки, химоячилар хамда адвокатлар хайъати ва уларнинг фаолияти таҳлил килинган.

**Калит сўзлар:** Туркистан АССР, Адлия халқ комиссарлиги, судлар, жамоат оқловчилари, химоячилар, Адвокатлар коллегияси, юридик ёрдам.

**Кириш (Introduction).** Туркистан советларининг РСФСР хукумати томонидан ишлаб чиқилган “Суд тўғрисида”ти биринчи Декрет асосида кабул килган 1917 йил 12 декабрдаги 17-сонли буйргуга кўра бутун ўлкада собиқ империя адвокатура органлари фаолияти тўхтатилиб, судларда фукаролик ишлари бўйича химоячи сифатида факатина номига дод тушмagan шахслар иштирок этиши белгиланди[1]. Бунда уларнинг юридик маълумот даражаси ва оқловчи учун зарур бўлган бопка омилларга умуман эътибор каратилмади. Адвокатлик вазифасини бажарувчи совет адлия кадрларининг йўқлиги натижасида Туркистан XҚСнинг 1917 йил 31 декабрдаги карори асосида собиқ империя адвокатлари фаолиятига Адлия халқ комиссарлиги ва маҳаллий советларнинг назорати остида конундан рухсат берилди[2].

**Мавзуга онд адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Туркистанда адвокатура органларининг 1917-1924 йиллардаги фаолияти бўйича дастлабки маълумотлар X.С. Сулаймапова ва А.И. Ипановлар мухаррирлиги остида 1960 йилда чоң этилган “История советского государства и права Узбекистана” помли китобда келтириб ўтилади. Кейинчалик катор тадқиқчилар: И. Сухарев, М. Махбубов хамда Д. Комоловларнинг диссертацион тадқиқларида хам мавзунинг бир катор жиҳатлари очиб берилган.

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Туркистанда адвокатура органларининг 1917-1924 йиллардаги фаолиятини ёритишда замонавий тарих фанида тан олинган тарихийлик, обьективлик

тамойиллари хамда тизимли киёсий таҳлил, муаммовий ва фаниларро ёпдашув каби усулилардан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Совет хукумати томонидан ўлкада дастлаб жамоат оқловчisi лавозими Тошкент шаҳар Советининг 1918 йил 16 январдаги карори асосида ташкил килинган инкилобий трибунал таркибида жорий килинди[3]. Жамоат оқловчisi лавозимига 20 ёшдан кичик бўлмаган тўла сиёсий хукукларга эга бўлган фукаролар сайлапини белгилаб кўйилди.

Бу даврда ўлкада суд жараёнларидаги химоя масаласида кўплаб муаммолар мавжуд эди. Биринчи навбатда совет судларида жамоат оқловчилари устидан назоратнинг йўқлиги натижасида улар умуман фаолият олиб бормади. Собиқ империя даври адвокатлари эса факатина старлича ҳак тўлаш имконига эга бўлган фукароларга хизмат кўрсангаб, жуда кўп холларда суд мажлислирида амалда иштирок этишмага[4]. Бундай холатлар маҳаллий ахолига кўплаб муаммо ва кийинчиликлар туғдириб, совет хукуматининг адлия тизимига нисбатан ишончсизлик кайфиятининг кучайишига сабаб бўлди.

Туркистон Адлия комиссарлиги 1918 йил 2 октябрда “Инкилобий трибуналлар тўғрисидаги вактинчалик Низом”ни тасдиклиди. Низом асосида ўлкада жамоат оқловчилари коллегияси ташкил килинди[5]. Амалда химоячилар коллегиясининг иш юритмаслиги сабабли маҳаллий ахоли, асосан, собиқ империя адвокатлари хизматидан фойдаланингда давом этди.

Архив манбаларидаги маълумотларга таяниб шуни айтиш мумкинни, ўлкада химоячилар хайъати 1919 йилдан ташкил этила бошланди.

Низом бўйича коллегия аъзолари камоқда сакланадиган айланувчи билан алоҳида учрашиш, жиноят иши билан танишиб чиқиш ва ундан кўчирмалар олиш, кўшимча гувохларни чакириш тўғрисида ариза бериш, суд жараённида айланувчига белгиланган жазони енгиллаштириш нутки билан чиқиш, жиноятнинг хусусиятлари ва жазолар тўғрисида фикр билдириш каби хукукларга эга бўлди.

Туркистон МИК томонидан 1918 йил 13 декабрда тасдиқланган совет судлари фаолиятига тегишли йўриклиомаларда[6] жамоат окловчилари коллегияси тузилишига айрим ўзгаришлар киритилди. Хусусан, эндиликда хайъат жамоат айловчилари ва жамоат окловчилари каби иккита мустакил бўлимларга ажратилиди. Аммо бу холат узок давом этмади. Туркистон МИКнинг 1919 йил 6 майда чиқарилган 130-соили Декрети[7] асосида улар яна кайта бирлаштирилди. Шунингдек, Декрет асосида олий ва вилоят инкилобий трибуналлари хузурида З кипидан иборат жамоат окловчилари коллегияси ташкил килинди. Олий инкилобий трибунал хузуридаги коллегия аъзолари Туркистон МИК томонидан, вилоят инкилобий трибуналлари таркибидаги химоячилар эса вилоят ижроя кўмиталари томонидан тайинланган ва вазифасидан озод этилган.

1919 йил 6 марта бўлиб ўтган Туркистон Советларининг VII съездиде вилоят ижроя кўмиталари хузуридаги химоячилар коллегияси “химоячилар, айловчилар ва фукаролик процессида тарафларнинг вакиллари коллегияси” сифатида кайта номланди ва бу коллегияда химоячилар хайъатининг мустакил фаолият юритиши белгилаб кўйилди. Шунингдек, съезд катнашчиларининг берган таклифи асосида Аддия комиссарининг 1919 йилдаги 60-соили карори билан Туркистон Республикасида хусусий адвокатуралар фаолияти тўхтатилиди[8].

Олий инкилобий трибуналнинг 1919 йил 19 майда бўлиб ўтган 1-сессиясида химоячилар коллегияси тузилиб, унга больтевик, Полтавский раис этиб тайинланди[9]. 1919 йил май ойининг охирида бўлиб ўтган Фаргона вилоят инкилобий трибуналнинг навбатдаги йигилишида химоячилар коллегиясини шакллантириш масаласи кўриб чиқиди[10]. Шунингдек, Туркистон ХҚСнинг 1919 йил 1 июндаги карори билан вилоят ижроя кўмиталари хузуридаги химоячилар коллегияси фаолияти хам кайта ташкил килинди. Карор бўйича химоячилар коллегияси аъзолари сони Сирларёда 31, Самарканда 13, Фаргонада 26, Етгисув вилоятида 35 нафар этиб белгиланди[11]. Тошкент шаҳрида химоячилар коллегияси аъзолигига жами 7 киши: И. Абрамов, Я. Бархам, Л. Герцен, Штейн, П. Иванов, А. Красовский, В. Осипов ва И. Чарковскийлар тайинланди[12].

Шундай килиб, 1919 йил ўргаларига келиб Туркистон АССРда Олий ва вилоят инкилобий трибуналлари хамда вилоят ижроя кўмиталари хузурида Химоячилар коллегияси фаолияти йўлга кўйилди. Бирок архив манбаларидаги маълумотларга кўра, ўлкада химоячилар фаолиятининг етарлича ташкил килинмаганинги кўрип мумкин. Хусусан, Самарканд вилоятида жамоат окловчилари коллегияси ўз фаолиятини 1919 йил икъян ойидаги бошлади. Дастиб улар вилоятнинг факатгина Самаркан, Каттакўрон, Чоржў шаҳарларида ташкил килинди[13]. Фаргона вилояти аҳолисининг хам жамоат окловчиларига эҳтиёжи кагта бўлгани холда уларнинг сони вилоят миқёсида муттасил этишмаган. Вилоят бўйича факатгина Андижон ва Кўконда

химоячилар хайъати мавжуд эди. Бу холат, айниксана, вилоят аҳолисининг жуда кўпчилик қисми мурожаат киладиган мусулмон судларида якъол кўзга ташланган. 1919 йилда Андижон шаҳрида барча маҳаллий судлар учун 1 нафар жамоат окловчиси хизмат кўрсатган бўлса, вилоятнинг колган худудларида эса уларнинг фаолияти умуман йўлга кўйилмаган эди[14].

Будан ташкири мавжуд жамоат окловчилари коллегиялари хам коникарли даражала фаолият юритмаганлигини кўриш мумкин. Хусусан, Самарканд шаҳри окловчилар коллегиясида штат бўйича 10 нафар аъзо бўлиши белгилаб кўйилган бўлса-да, аслида 9 нафар окловчи фаолият кўрсатган. 1919 йил декабрда коллегия аъзоларининг 5 нафари харбий-инқилобий органларга мобилизация килинади[15]. Шунингдек, коллегия аъзолари бир вактнинг ўзида бир исча лавозимларга тегиши вазифаларни бажаришган. Масалан, Чоржўда 1 нафар окловчи фаолият юритиб, у бир вактнинг ўзида суд хотибига тегишли ишларни хам бажарган.

Бу даврда химоячилар коллегияси аъзоларининг асосий вазифаси суд жараёнларида иштирок этишдан иборат эди. Бирок кўплаб объектив ва субъектив омиллар натижасида химоячилар суд мажлисларининг жуда кам қисмида катнашган. Мисол учун, Самарканд шаҳар химоячилар коллегияси аъзолари 1920 йил 1 январдан 1 сентябрчача халқ судларида 78 маротаба, совет халқ судлари кенгашининг 37 та, инкилобий трибуналнинг 15 та суд жараёнда иштирок этган бўлса, Каттакўрон химоячилар коллегияси аъзолари эса суд мажлисларида 11 маротаба окловчилар вазифасини бажарган[16].

Суд жараёнларида химоячиларнинг эркин фаолият юритишга етарлича имкон берилмади. Хусусан, Олий инкилобий трибунал томонидан 1919 йил 4 июнда кўриб чиқилган Глебовиччининг жиной иши бўйича суд жараёнда худди ана шундай холат кузатилди[17]. Шунингдек, жамоат окловчилари ойлик маошларнинг етишмаслиги натижасида ўз мижозларидан кўшимча ҳак талаб килиши одатий холга айланаб колди.

Умумал олганда 1920 йилнинг бошларига келиб химоячилар коллегияси бир вактнинг ўзида хам айловчи хам окловчи вазифасини бажариши керак бўлган тизим ўзили окламаганинги кўрсатди. Бу холатни совет аддия тизими асосчилари хам ошкора тан олишга мажбур бўлди[18].

1920 йил июнда бўлиб ўтган Умумrossия совет аддия ходимларининг III съездиде химоячилар кошегиси фаолияти сархисоб килиниб, коллегияни тугатиш бўйича карор кабул килиди[19]. РСФСР МИК томонидан 1920 йил 21 октябрда кабул килинган Декретга кўра “химоячилар, айловчилар ва фукаролик процессида тарафларнинг вакиллари коллегияси” фаолияти тугатилди[20]. Туркистон ўлкасида ушбу коллегия фаолиятига МИКнинг 1921 йил 18 апрелдаги Декрети[21] асосида чек кўйилди.

ТАССР Аддия халқ комиссарлиги томонидан 1920 йил 28 ноябрда чиқарилган йўрикномада эндиликда суд жараёнда окловчилар вазифасини аддия бўлимлари, халқ судлари, халқ судьялари кенгашилари, инкилобий трибуналлар, партия, касаба ўюшмалари кенгаши ва бошқа совет ташкиллари томонидан тузилган хамда вилоят, шаҳар ижроя кўмиталари томонидан йилда иккি марта тасдиқланадиган рўйхатга киритилган фукаролар томонидан амалга оширилиши кўрсатилди. Бунда номзоднинг меҳнат килаётган касби, маълумот даражаси, иш стажи, паргиявийлигига алоҳида эътибор каратилди[22]. Таъкидлаш керакки, бу мезонлар факатгина жиной ишлар билан боғлик суд жараёнларида окловчилар килингига дайвогарларга нисбатан татбик килиниб, фукаролик ишларига тегишли суд мажлисларида

катнашмоқчи бўлган номзодларга бундай талаблар белгиланмади.

Совет давлати томонидан Туркистонда адвокатура фаолиятини йўлга кўйиш бўйича қатор табдирлар амалга оширилган бўлса-да, бу даврда ҳам уларнинг фаолияти коникарсизлигича қолаверди. Бу ҳакда комисарлик масъул ходими Рачинский ўзининг Фарғона вилояти адлия органлари фаолияти бўйича тафтиш хисоботида (1921 йил) кўйидагича таъкидлаб ўтади: "...вилоятда химоячилар сони факат коғозларда мавжуд, аслида эса уларнинг фаолияти умуман йўлга кўйилмаган"[23]. Сирдарё вилояти ҳалқ судлари кептапи аъзоси Алексин эса ўз маъруzasida вилоятда факат Топкент шаҳрида химоячилар фаолияти тўғри ташкил килингалиги, колган уездларда уларнинг умуман мавжуд эмаслигини билдирган[24].

Кадрлар етишмаслиги натижасида меҳнатга деярли ярксиз бўлган ходимлар ҳам хизмат вазифасидан озод килинганини кўриш мумкин. Ҳусусан, Самарканд шаҳар жамоат оқловчилари коллегияси аъзоси Заславскийнинг кўзлари деярли кўрмай, бир оёғи умуман ишламай колган бўлса-да, ўз вазифасида қолаверди[25].

Янги иктисодий сиёсатга ўтиш муносабати билан адлия комисарлиги, шу жумладан, мавжуд оқловчиларга совет хукумати томонидан маҳаллий ахолига инклибий конунчиликнинг мохиятини тушунтириш, уларга кенг миқёсла бепул юридик ёрдам кўрсатиш вазифаси юқлатилди. Бирор химоячилар фаолиятининг етарлича ташкил килинганини натижасида ушбу вазифалар ўз вактида амалга оширилмади.

Юкорида айтиб ўтилган хато ва камчиликлар совет хукуматига химоячилар фаолиятини кенгайтириб, уларни алоҳида давлат органига айлантириш зарурлигини кўрсатиб берди. Ушбу масала Бутун россия адлия ходимларининг 1922 йил 26-30 январь кунлари бўлиб ўтган IX съездиде мухокама килинди[26] ҳамда ушбу съездда кабул килинган резолюция асосида 1922 йил 26 майда РСФСР МИҚ томонидан "Адвокатура тўғрисидаги Низом" тасдиқланиди[27]. Шунингдек, 1922 йил 5 июнда РСФСР Адлия ҳалқ комисарлиги томонидан "Адвокатлар коллегияси тўғрисидаги Низом" ишлаб чиқилди[28]. ТАССР худудида ушбу низомлар МИҚнинг 1922 йил 29 октябрдаги 131-сонли карори билан конуний кучга кирди[29].

Таъкидлаш керак, ушбу конун хужжатларининг кабул килиниши совет адвокатураси фаолиятида янги боскични бошлаб берди. Ҳусусан, Адвокатлар коллегияси эпидиқла вилоят адлия бўлимлари (кейинчалик вилоят судлари) хузурида ўз-ўзини бошқарувчи жамоат ташкилоти сифатида фаолият юрита бошлиди. Адвокатлар уюппасининг умумий кенгаши коллегиянинг олий органи сифатида белгилаб берилди. Умумий кенгашда адвокатлар уюшмаси фаолияти билан боғлик барча масалалар (адвокатлар фондига бадаллар белгилаш, ахолига хукукий ёрдам кўрсатишни ташкил килиш ва бошкалар) мухокама килинган.

Коллегия фаолиятида бир йил мuddатга сайланадиган Адвокатлар коллегияси Президиуми алоҳида ўринга эга бўлган. Президиум аъзолари уч нафардан стти нафаргача бўлиб, ижроия ва маъмурӣ орган хисобланган. У, асосан, уюпмага янги аъзоларни кабул килиш ёки уларни чиқариш, коллегия аъзолари томонидан белгиланган вазифаларнинг бажарилабтаглигини назорат килиш, шулик ва бепул юридик ёрдам кўрсатиш тартибини белгилаш, юридик ёрдам кўрсатувчи маслаҳат пунктларини ташкил килиш, коллегиянинг мол-мулки ва пул маблагларидан фойдаланиш тартибларини белгилаш каби вазифаларни бажарган[30].

"Адвокатлар коллегияси тўғрисидаги Низом"га мувофиқ коллегия аъзолигига совет адлия тизимида судья, терговчи, адвокат, суд маслаҳатчisi лавозимларида камида иккى йиллик тажрибага эга бўлган ёки маҳсус комиссия томонидан ташкил килинадиган имтиҳондан ўтган шахслар кабул килинган[31]. Аммо ТАССРда совет адвокатларининг етишмаслиги натижасида бундай тартибга деярли амал килинмади. Худудларда малакали химоячиларнинг доимий етишмаслиги давом этган. Бундай ҳолатни 1922 йилда Сирдарё вилояти химоячилар коллегияси бюроси аъзолари Осипов, Крицкий, Беляев ва Каргапевларнинг вилоятда адвокатларнинг ахволи тўғрисида ўлка ХҚСГа ёзган билдиригисида ҳам кўриш мумкин[32]. Умуман олганда, 1922 йилда Туркесубликада 5 та вилоят, 5 та уезд химоячилар коллегияси бўлиб, уларда жами 113 нафар химоячи фаолият олиб борган[33]. Адвокатлар коллегияси аъзолари вилоятлар бўйича куйидагича таксимланган: Сирдарё вилоятининг Топкент уездига 45, Авалиётада 3, Чимкентда 2, Туркистонда 22 та, Самарканд вилоятининг Самарканд уездига 15, Хўжапада 1, Каттакўронда 2, Фарғона вилоятининг Андижон ва Кўкон уездига 3 талан, Наманганд, Марғилон, Фарғона ва Ўш уездларида 1 нафардан адвокат иш олиб борган[34].

Коллегия аъзолари суд ишларида иштироки учун суд томонидан белгиланадиган муайян микдорда ҳак олган. У айланувчи тарафдан ундирилиб, комисарлик сметаси бўйича Республика бюджетига ўтказилган. "Адвокатлар коллегияси тўғрисидаги Низом"га кўра фуқаролик ишларига оид суд жараёнларида иштироки учун адвокатларга 5 % микдорда ҳак берилган бўлса, жинойи ишлар бўйича бериладиган тўлов ишнинг даражасига караб белгиланган. Адвокатлар ҳар бир суд жараёндан кейин бериладиган ҳакнинг 3 % ини коллегия фондига топширипи лозим эди[35].

ХХ аср 20 йилларнинг босида совет адвокатураси ўз фаолиятини, асосан, иккита йўналишда олиб бориб, улардан бири юридик маслаҳат бериш ишларини ташкил килишдан иборат бўлган. Маслаҳат пунктлари, асосан, бозорлар, завод ва фабрикалар, дехон үйлари ҳамда бошка аҳоли гавжум жойларда ташкил килинган.

Айтиб ўтиш керакки, адвокатлар коллегияси томонидан бепул юридик маслаҳатлар бериш тизимининг жорий килиниши ахолига юридик ёрдам бериш соҳасида мухим қадам бўлган бўлса-да, Туркистон ўлкасида адвокатлар томонидан факатгина вилоят марказларидаги ахолига юридик ёрдам кўрсатилган холос[36]. 1923 йилги маълумотларга кўра Сирдарё вилояти химоячилар коллегияси томонидан 438 нафар фуқарога юридик ёрдам берилган бўлиб[37], уларнинг кўпчилиги никоҳ-ажрим ва бошка оиласидан ва фуқаролик ишларидан иборат эди. Киёслаш учун, Енисей губернијаси адвокатлар коллегияси таркибида 35 нафар аъзо бўлиб, 1924 йилнинг 4 ойи давомида 223 нафар фуқарога бепул юридик хизмат кўрсатилган[38].

1924 йил 23 апрелда ахолига юридик ёрдам кўрсатилиши кучайтириш бўйича адлия комисарлигининг маҳсус циркуляри эълон килинди[39]. Циркулярда кўплаб вазифалар каторида химоячилар коллегияси ҳамда унинг аъзоларини (биринчи навбатда маҳаллий миллатга мансуб адвокатларни) кўпайтириш бўйича кўрсатмалар белгиланди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, бўльшевиклар томонидан совет адвокатураси асослари яратилган бўлса-да, улардаги асосий кадрлар империя даври адлия ходимлари эди. Жумладан, 1923-1924 йилларда ўлкада фаолият олиб бораётган адвокатларнинг 75 % ини ана шундай ходимлар ташкил этган. Совет давлати химоячиларнинг кўпчилиги эса ҳеч кандай юридик

мазъумот ва тажрибага эга бўлмаган новвой, котиб, ўқитувчи, ветеринар, этикдўз ва бошқа касб вакиллари эди.

Ўлкада мавжуд бўлган “Адвокатлар коллегия”си фаолиятини тартибга солиш массадидা 1924 йил 17 марта Адлия комиссари Газиевнинг 22-сонли циркуляри кабул килинди[40]. Бу даврда Туркистон АССРда 106 нафар адвокат бўлиб, уларни вилоятлар бўйича тақсимлаганда Сирдарёда 52, Самарканда 18, Туркманда

13, Еттисувда 14, Фарғонада 9 та, Амударё вилоятида эса бирорта химоячи рўйхатга олинмаган эди[41].

**Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).** Шундай килиб большевистик элитанинг “буржуазия адвокатураси”дан тамомила фарқ киладиган адвокатлик институтини яратиш харакати ўзининг кутилган самарасини бермади. Охир-оқибат XX аср 20-йилларнинг бошлирига келиб капиталистик давлатлар адвокатурасига деярли ўхшаш бўлган тизим фаолияти йўлга кўйилди.

### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА) Р-25-фонд, 1-рўйхат, 19-иш, 33-варак.
2. История советского государства и права Узбекистана. Т. I. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1960. – С. 417.
3. Саркисянц Г. Адвокатура Советского Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1972. – С. 12.
4. Шаламов М. История советской адвокатуры. – Москва: Юриздат, 1939. – С. 17.
5. ЎзМА Р-344-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 21-варак.
6. ЎзМА Р-17-фонд, 1-рўйхат, 1035-иш, 91-100-вараклар.
7. Вестник Комиссариата Юстиции Туркестанской Республики. – 1919. – № 2. – С. 3.
8. Махбубов М. Создание и развитие адвокатуры в Узбекистане: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Ташкент, 1975. – С.12.
9. ЎзМА Р-344-фонд, 1-рўйхат, 23-иш, 28-варак.
10. ЎзМА Р-344-фонд, 1-рўйхат, 22-иш, 29-варак.
11. Вестник Комиссариата Юстиции Туркестанской Республики. – 1919. – № 2. – С. 3-5.
12. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 48-иш, 22-варак ва унинг орқаси.
13. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 105-иш, 69-варак.
14. Ўша жойда. 71-варакнинг орқаси.
15. Ўша жойда. 68-варакнинг орқаси.
16. Ўша жойда. 68-варакнинг орқаси ва 69-вараклар.
17. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 61-иш, 351-варакнинг орқаси.
18. Советская юстиция. – 1937. – № 22. – С. 21.
19. <http://elib.shpl.ru/tu>
20. Декреты Советской власти. Т. XI. – Москва: Политиздат, 1983. – С. 87.
21. ЎзМА Р-344-фонд, 3-рўйхат, 1-иш, 1-5-вараклар.
22. ЎзМА Р-38-фонд, 4-рўйхат, 4-иш, 16-17-вараклар.
23. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 144-иш, 55-варак.
24. ЎзМА Р-38-фонд, 4-рўйхат, 6-иш, 74-варакнинг орқаси.
25. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 142-иш, 20-варак.
26. Шаламов М. История советской адвокатуры. – Москва: Юриздат, 1939. – С. 38.
27. Зотов В., Саркисянц Г. На страже законности и прав граждан // Общественные науки в Узбекистане. – 1972. – № 5. – С. 21.
28. Еженедельник советской юстиции. – 1923. – № 1. – С. 24; Адвокатура: Сборник документов. – М.: Дело, 2005. – С. 11-16.
29. ЎзМА Р-38-фонд, 4-рўйхат, 17-иш, 125-варак.
30. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 222-иш, 34-варак ва унинг орқаси.
31. [http://www.libussr.ru/doc\\_ussr/ussr\\_1353.htm](http://www.libussr.ru/doc_ussr/ussr_1353.htm).
32. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 48-иш, 91-92-вараклар.
33. ЎзМА Р-25-фонд, 1-рўйхат, 945-иш, 215-варак ва унинг орқаси.
34. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 371-иш, 44-варакнинг орқаси.
35. Советское право. – 1922. – № 2. – С. 13.
36. ЎзМА Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1802-иш, 19-варак.
37. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 280-иш, 31-варакнинг орқаси.
38. Еженедельник советской юстиции. – 1924. – № 31. – С. 786.
39. Камалова Г. Стаповление и развитие адвокатуры на Урале (1922–1929 гг.) // Известия Алтайского государственного университета. Серия «История. Политология». – 2008. – № 4/5. – С. 91.
40. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 463-иш, 20-варак.
41. ЎзМА Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1802-иш, 19-варакнинг орқаси.